311294

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 17 декабрь чоршанба.
Сотувда эркин нархда. № 253 (1770)

## ДЎСТЛИК АНЖУМАНИ

Тошкентдаги ҳинд маданий марказида Ҳиндистон мустақиллигининг 5О йиллиги муносабати билан Ҳиндистон ва Ўзбекистон аёллари дўстлигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Республика Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Бош архив бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда ҳинд маданий маркази томонидан ташкил этилган бу тадбирда ҳинд ва ўзбек аёлларининг дўстлиги тарихи, Ҳиндистон хотин-қизларининг жамият ҳаётидаги бугунги ўрни ҳақида сўз борди. Анжуманда Жавоҳарлаъл Неру мукофоти лауреати, таниқли ўзбек шоираси Зулфия ижоди, унинг ўзаро дўстликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси ҳақидаги маърузa тингланди. Шунингдек, Бош архив бошқармаси ташкил этган икки халқ дўстлигини, адабиёт ва кино соҳасидаги ижодий алоқаларини акс эттирган фотосуратлар кўргазмаси очилди.

**М.ШАРИФОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## АЙЛАНАДИ СОАТ МИЛЛАРИ

### СЕШАНБА ХАБАРЛАРИ

**ХУШ ХАБАР**

### МУКОФОТЛАР МУБОРАК БЎЛСИН!

*Мустақиллигимизнинг 6 йиллиги байрами арафасида Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонига биноан мамлакатимизнинг илғор кишилари орден ва медаллар, унвонлар билан тақдирланган, мукофотланганлар орасида бир гуруҳ самарқандликлар ҳам бор эди, — деб ёзади мухбиримиз Гули ЧЕҲРА.*

*Яқинда вилоят ҳокимлигида мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Самарқанддан сайланган Олий Мажлис депутатлари, мукофотланганлар иштирок этишди.*

*Мукофотларни вилоят ҳокими А. Мардиев топширди.*

*Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан — «Дўстлик» ордени соҳиби, ёзувчи Душан Файзий, «Шуҳрат» медали соҳибаси, Паст Дарғом туман хотин-қизлар қўмитасининг раисаси Адолат Жўраева, «Дўстлик» ордени нишондори Самарқанд шаҳар ҳокими Азиз Носиров юксак ишонч учун ҳукуматимизга миннатдорчилик билдирдилар.*

**АНЖУМАНДА**

### ЎСМИР ВА ҚОНУН

*Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасида «Ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш чоралари ҳамда ички ишлар идораларига олиб келиш ва ҳисобга олиш, қабул қилиш-тақсимлаш муассасаларига жойлаштиришда қонунлар ижроси» мавзуида идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди, — деб хабарлайди жамоатчи мухбиримиз Бахтиёр Жўраев.*

*Кенгашни республика Бош прокурори ўринбосари, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Рашид Қодиров бошқарди.*

*Кун тартибидаги асосий масала юзасидан вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат қилиш бўлими бошлиғи, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси А. Маннонов маъруза қилди. У асосий эътиборни ёшлар жинояти, ота-онанинг фарзандлар олдидаги масъулияти, бу борада давлат ва мутасадди жамоат ташкилотларининг вазифалари хусусида тўхталди.*

**АЖАБО !**

### НОДИРАБЕГИМ КИМ ЭДИ?

*Мустақиллик майдонида «Искра» кинотеатридан «олов чиқиб», «Нодирабегим»га айлангани ҳаммамизни шод этганди. Аммо яқинда бу ердаги бир ёзувга кўзимиз тушиб, таажжубландик: «Нодирабегим» номли пуллик тўхташ жойи»!.. Ҳақиқатдан ҳам бу ерга сон-саноқсиз машиналар кириб-чиқиб турар, паттачининг қўли-қўлига тегмасди.*

*Биз паттачига савол бердик: «Нодирабегим ким эди?»*

*Табиийки, у бу саволни эшитмасликка олди...*

**ТАҲРИРИЯТГА ХАТ**

### ҚЎШРАБОТДА ЧИРОҚ НЕЧА ПУЛ?

*Қўшработ тумани хўжаликлари ва қишлоқларида уч-тўрт ойки, электр энергияси узлуксиз тўхтатиб қўйилмоқда. Шу туфайли бўлса керак, бозорларда чироқ ва шишанинг нархи анча кўтарилиб кетди. Отнинг ўлими — итнинг байрами деганларидек, соляркафурушларнинг ҳам бозори чаққонлашди.*

*Энг қизиғи ва ачинарлиси шундаки, ҳали-ҳануз аҳолининг арз ва шикоятлари билан шуғулланадиган бирор мутасадди топилганича йўқ.*

**ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНДА:**

### «НУРЖАҲОН» ОЛМОНИЯГА БОРАДИ

*Нуротадаги «Нуржаҳон» фольклор-этнографик бадиий жамоаси яқинда ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш, миллий қадриятларни тиклашдаги фаол хизматлари ҳамда юксак ижрочилик маҳорати учун Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги қарорига биноан, «Халқ ҳаваскорлик жамоаси» унвонига сазовор бўлди.*

*— Қарангки, — деб хабар берди жамоатчи мухбиримиз Парда Жумаев, — «Нуржаҳон»га қувонч қўшалоқ келди. Айни пайтда жамоа 1998 йил май ойида Германияда ўтказиладиган жаҳон халқлари фольклор фестивалида қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритди.*

**Соат милларини ЖЎШҚИН кузатди.**

Телефонларимиз: 133-15-22, 133-52-55, 133-07-48, 136-37-85.

## ЎЗБЕКИСТОН. 1997 ЙИЛ

### ҚОРОВУЛБОЗОР



*Мустақиллигимиз тарихига олтин ҳарфлар билан битилган иншоот.*

**Ф. ҚУРБОНБОЕВ сурат-лавҳаси.**

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗАРАРСИЗ БЎЛИШИ КЕРАК

Тошкентда бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференцияда енгил саноат корхоналаридаги экология ва саломатлик муаммолари муҳокама қилинди. Анжуманни "Экосан" халқаро экология ва саломатлик жамғармаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Ўзбекенгилсаноат" уюшмаси ҳамда Тошкентдаги Тўқимачилик ва енгил саноат институти билан биргаликда ташкил этди.

Президент Ислом Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобида ҳаво ва сувнинг инсон учун зарарли моддалар билан булғанишини тегишли технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш йўли билан тўхтатиш экологик хавфсизликни кучайтиришнинг асосий йўли эканини таъкидлади. Шу муносабат билан, дейилди анжуманда, пахта тозалаш, енгил ва тўқимачилик саноатини экологик жиҳатдан соф технологиялардан фойдаланишга ўтказиш, бундай фаолиятни пул билан таъминлаш манбаларини кенгайтириш, бунинг учун бюджетга оид бўлмаган маблағларни, хорижий сармояларни жалб этиш чораларини кўриш зарур.

Анжуман иштирокчиларининг фикрича, бу вазифаларни ҳал этиш учун Республика Олий ўқув юртларида эколог мутахассисларни тайёрлаш ишини яхшилаш, бошқа соҳалар мутахассислари учун мўлжалланган ўқув дастурига экология дарсларини киритиш зарур. Конференцияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ЎЗБЕК ОЛИМИ - ХАЛҚАРО АКАДЕМИЯНИНГ ҲАҚИҚИЙ АЪЗОСИ

Таниқли физик олим, Андижон университетининг ректори, профессор Сирожиддин Зайнобиддинов АҚШда ташкил этилган Халқаро фанлар, таълим, саноат ва санъат академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди. Тадқиқотчи ва педагог ватандошимизнинг хизматлари тан олингани тўғрисидаги хушхабар шу нуфузли халқаро ташкилотнинг Калифорниядаги қароргоҳидан келди.

Ҳозирги вақтда сайёрамизнинг барча қитъаларида шу ташкилотнинг филиали очилган. Йил бошида Ўзбекистонда ҳам академиянинг филиали очилди.

Академия президенти доктор Майкл Бахмутски ватандошимизни Халқаро академиянинг ҳақиқий аъзолигига сайлангани билан самимий табриклаб, унга берилган унвон академиянинг ишида фаол иштирок этиш, унинг қарорларига таъсир ўтказиш имкониятини бериб гина қолмай, айни пайтда академикка шу халқаро ташкилотга қабул қилиш учун янги номзодларни тавсия этиш, тегишли комиссиялар ва раёсатда илмий-техникавий, тижорат ва инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқишда иштирок этиш, бошқа ташаббус ва таклифлар билан чиқиш ҳуқуқини беришини лутфан эслатди.

**(ЎзА)**

## ҲАМКОРЛИК РАВНАҚ ТОПАДИ

**Яқинда республикамиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида «Ўзбекистон олий ўқув юртларининг Оврупо мамлакатлари таълим муассасалари билан ҳамкорлиги – Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга оширишда муҳим омил. ТАСИС-ТЕМПУС лойиҳалари аспекти» мавзуида семинар бўлиб ўтди.**

Семинар Оврупо Уюшмаси комиссиясининг Ўзбекистон бюроси билан ҳамкорликда ўтказилди.

Мазкур анжуманда республикадаги барча олий ўқув юртларининг ректорлари, ўқув юртларидаги халқаро бўлимларнинг раҳбарлари қатнашдилар. Шунингдек, бу тадбирда Италиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Йоланда Брунетти Гоетц хоним, Франция элчихонаси вакиллари ҳам иштирок этдилар.

Семинарда Оврупо Уюшмаси комиссияси Ўзбекистон бюросининг директори Б. Садриддинов республикамизда ТАСИС-ТЕМПУС лойиҳалари тўғрисида маълумот берди. Бюро директори муовини М. Султонов ва бюро маслаҳатчиси Марк Жессел уюшмага ариза беришнинг янги қоидалари, таълим дастурларини маблағ билан таъминлаш, олий ўқув юртларимиз ўзларига Оврупо мамлакатларидан ҳамкор топиш ва бунга тааллуқли ҳужжатларни расмийлаштириш йўл-йўриқлари тўғрисида гапирдилар.

Олий таълим вазирлиги Ташқи алоқалар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари К. Расулов ўз сўзида Оврупо мамлакатлари таълим тизимлари билан алоқани янада кучайтиришнинг чора-тадбирлари хусусида тўхталди.

Семинарда олий ўқув юртлари профессор ўқитувчилари таркибини замон талаблари асосида қайта тайёрлаш, ТАСИС-ТЕМПУС лойиҳалари орқали республика таълим жабҳаси учун сармоя олиш масалалари ҳам муҳокама этилди. Унда таълим соҳасида янги ўқув технологияларини, халқаро андозаларни жорий этиш, самарали ва юксак сифатли таълим моделларини ўзлаштириш тадбирлари ҳам Миллий дастурни амалга оширишнинг таркибий масалалари эканлиги таъкидланди.

Семинар жонли, ошкора фикр алмашиш, амалий ишчанлик руҳида ўтди.

**(Ўз мухбиримиз)**



*• ҚАРОР ВА ИЖРО*

**Табиат қизиқ. Айни қиш бўлишига қарамай, ҳаво илиқ, қуёш чарақлаб турибди. Бу ғаллакорларга қўл келмоқда. Улар буғдойнинг уруғини экиб, аллақачон тўла ундириб олишга эришишди. Ҳозир пайкаллардаги кўм-кўк майсаларни кўриб, баҳри-дилингиз очилади.**

## ҲАР ТУП НИҲОЛ НАЗОРАТДА

— Энди ҳамма гап ундириб олинган ниҳолларни нест-нобуд қилмай сақлаб қолишда, — дейди тажрибали деҳқон Лутфулло Қобулов. — Шу мақсадда ғаллазорни кўз қорачиғидек қўриқлаяпмиз. Маҳаллада тўй-томоша бўлса ёки бирор юмуш билан банд бўлиб қолсам, пайкалга болаларим кўз-қулоқ бўлиб туришади.

— Жамоа хўжалиги томонидан ажратилган дала қоровуллари, участка нозирлари йўқми? — сўраймиз ундан.

— Бор. Участка нозири от миниб дала айланади. Ҳар бир бригада учун маош олиб ишлайдиган махсус дала қоровуллар ҳам белгиланган. Лекин битта кўз битта-да.

Ҳа, деҳқон ҳамиша жонсарак. У қай фасл бўлмасин, ўз даласидан кўнгил узолмайди. Етиштирилган маҳсулотни фарзандидай асраб-авайлайди. Шу тарзда эл, юрт учун ризқ-рўз яратади. Лутфулло ака бу йил оила аъзолари билан бирга 10 гектар майдонда дон етиштирди. Жонсараклиги, тиниб-тинчимаслиги боис у нафақат Қ. Солиев номли жамоа хўжалиги, балки туманда ҳам юқори кўрсаткичга эришди: ҳар гектар ердан 70 центнердан ошириб сара дон йиғиштириб олди.

Наманган туманида бундай миришкор деҳқонлар кўп. Улар бу йил 4666 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, режадаги 13280 тонна ўрнига15390 тонна сара дон саранжомлашди. Бу борадаги режа эса 116 фоиз уддаланди. «Даромадга яраша буромад» деганларидек, ғаллачиликнинг ўзидан 152,1 миллион сўм даромад олинди. Соф фойда эса 63,2 миллион сўмни ташкил этди. Айни пайтда улар келгуси йилда ҳар гектар ердан 80 центнердан дон хирмони кўтариш ниятида астойдил меҳнат қилишмоқда. Айниқса, ғаллазорларни чорва ҳайвонлари пайҳон, оёқ ости қилинишининг олдини олишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу юмушда оилавий пудратчилар, дала қоровулларига туман ички ишлар бўлими ходимлари ҳам яқиндан ёрдам беришмоқда. Мавжуд 15 та жамоа хўжалигига 15 нафар участка нозири бириктирилган. Уларнинг ҳар бирига хўжаликлар томонидан махсус отлар ажратилган.

— Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил ноябрдаги «Қишлоқ хўжалик экинларини пайҳон қилишнинг олдини олиш тўғрисида»ги қароридан сўнг ички ишлар бўлимимизда махсус штаб тузилди, — дейди шу штаб аъзоси, милиция капитани Ғуломжон Расулов. — Мана икки йилдан буён штабимиз режа асосида фаолият кўрсатиб келмоқда. Ана шу режага мувофиқ туманимиздаги мавжуд ғаллазорлар учта минтақа ҳамда 9 та бўлимга ажратилиб, карталаштирилган. Қишлоқ хўжалик экинларини қўриқлаш, пайҳон қилишнинг олдини олиш ишларига ҳаммаси бўлиб 50 нафар милиция ходими жалб этилган. Хуллас, ғалла экилган ҳар бир гектар майдон қаттиқ назоратга олинган.

Биз тумандаги бир қатор жамоа хўжаликларида бўлиб, бунга ишонч ҳосил қилдик. Туман меҳнаткашлари 1998 йил мўл ҳосили учун ҳозирдан жон куйдиришмоқда. Бу албатта ўз самарасини беради.

**Абдуҳошим МАДАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

**Нашр кўрсаткичи:** якка газетхонлар учун 229; ташкилотлар учун 230

| Обуна нархи: | 1 ойга П/қ; | 1 ойга манзил | 3 ойга П/қ; | 3 ойга манзил | 6 ойга П/қ; | 6 ойга манзил | йиллик П/қ; | йиллик манзил |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| - якка шахслар учун | 168 | 212 | 504 | 636 | 1008 | 1272 | 2016 | 2544 |
| - ташкилотлар учун | 266 | 418 | 798 | 1254 | 1596 | 2508 | 3192 | 5016 |

Ф МТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат - Акциядорлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета (нашр кўрсаткичи)

Халқ сўзи

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Қаерга (Почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасини исми)

НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

п.в. Жойи (нашр кўрсаткичи)

Халқ сўзи

Обунани янги манзилга юбориш | Баҳоси | Сўм | Обуна сони
Баҳоси | Сўм

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Қаерга (Почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасини исми)

**Қадрли муштарийлар! Эслатиб ўтамиз, газетамизга обуна йил бўйи давом этаверади.**

## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ X СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

# ОММАЛАШТИРИШ ЖУРНАЛИСТЛАР ЗИММАСИДА

Маълумки, сессия кун тартибида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқиш режалаштирилган.

Мазкур қонун лойиҳаси матбуотда эълон қилингач, журналистлар, ҳуқуқшунослар ва бошқа соҳа эгалари томонидан атрофлича муҳокама қилинди, турфа фикр-мулоҳазалар билдирилди ва улар асосида лойиҳа янада такомиллаштирилди, сайқал топди. Лойиҳанинг матбуотда эълон қилинган, ва навбатдаги мажлис муҳокамасига тақдим этилаётган нусхалари қиёсланса, ўтган қисқа муддат орасида Матбуот ва ахборот қўмитаси аъзолари томонидан бажарилган ишлар кўлами яққол кўзга ташланади.

Кенгашли тўй тарқамас, деганларидек ҳар қандай қонун қабул қилингунга қадар атрофлича муҳокама қилинади, қиёмига етгач, кучга киради ҳам. Бироқ қайсики қонун ҳақида сўз бормасин, республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг аввалги сессияда қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилишининг муҳимлиги ҳақидаги айтган гаплари бот-бот ёдга тушади. Дарҳақиқат, қонун қоғозда эмас, амалда гўзаллигини намоён этмоғи керак. Бунинг учун эса қонунларни оммалаштиришнинг барча имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланмоқ лозим. Ҳар қандай жамиятда оммалаштириш вазифаси асосан кимнинг зиммасига тушади?

Табиий, журналистнинг!

Ҳуқуқий демократик жамият қуриш орзусидаги мамлакатда фуқаролар барча қатламларига қонун талабларини сингдиришнинг энг таъсирчан услубларини ҳам журналистлар, оммавий ахборот воситалари заҳматкашлари адо этадилар. Бироқ бу ўринда гап бевосита журналистлар касби, уларнинг фаолияти билан боғлиқ қонун хусусида бормоқда!

Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнидаги матбуотдаги чиқишлар, турли суҳбат ва йиғилишлардаги фикр алмашишлар шубҳасиз зарур. Бу борада ҳар қалай фаоллик йўқ эмас. Бироқ қонун қабул қилингач, гўё муаммолар бартараф этилди-ю, мазкур масалалар юзасидан бош қотирмаслик ҳам мумкиндек тасаввур туғилади. Ваҳоланки, айни қонун қабул қилингач, унинг тарғиботи ҳақида кўпроқ қайғуриш зарурати туғилади.

Жамиятдаги бирон-бир соҳа эгалари ўзларини матбуотдан дахлсиз ҳисоблай олмайдилар. Бинобарин, оммавий ахборот воситаларига оид қонунни барча-барча фуқарога етказиш зарур. Хусусан, қабул этилажак қонунда таҳририятни ташкил этишдан тортиб, унинг фаолиятини тўхтатишгача, ходимлар фаолияти, сўз эркинлиги ва масъулиятигача барча-барча жараён қамраб олинган. Айниқса, ундаги 17-модда бош муҳаррир мақомини белгилаб бергани сайин диққатга сазовор. Назаримда, жамият демократлаша боргани сайин бош муҳаррир масъулияти, унинг зиммасига тушадиган юк орта боради. Шу маънода ҳам 17-модда келажакда янада такомиллашиб, янада кенгайиб боради, деб ўйлайман.

24 ва 25 моддалар муаллифлар, таҳририят фаолиятига эътирозли нуқтаи назар эгалари билан бўладиган муносабатларни тартиблаштирган. Ушбу икки модда ҳам келгусида икки катта ва жиддий йўналиш вужудга келишидан далолат беради. Гап шундаки, таҳририят сўз эркинлигига эришгани сайин унга муҳолифчилик позициясини эгалловчи томонлар ҳам пайдо бўлаверади. Икки томон тортишув ва баҳслари ўз-ўзидан судга довур етиб бориши одатий ҳолга айланади. Худди шу ўринда навбатдаги яна бир долзарб муаммо келиб чиқади: жамиятда журналистика соҳасини эгаллаган ҳуқуқшуносларга, шунинг баробарида, ҳуқуқшуносликка ихтисослашган журналистларга бўлган эҳтиёж ортади!

Бугун бўлмаса эртага матбуотимиз айни шу муаммони кун тартибига қўйса ажабмас.

Бир сўз билан айтганда, муайян қонуннинг қабул қилиниши нечоғли қувончли ҳодиса бўлса, уни ҳаётга кенг ёйиш, оммалаштириш ҳам шунчалик масъулиятлидир. Буни қаламкаш ҳамкасбларимиз етарли даражада ҳис қиладилар, деган умиддамиз.

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Матбуот ва ахборот қўмитаси аъзоси.**

# ТАБИАТ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ

***Республика Олий Мажлисининг навбатдаги сессияси кун тартибига қўйилган масалалар ичида иккитаси мени беҳад хурсанд этди. Булар «Ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларидир.***

Бу масалалар, ҳақиқатан ечимини кутаётган эди. Нега деганда, ўсимлик ва ҳайвонларни асраш муаммоси инсоният учун ҳеч қачон ҳозирги кундагидек ҳаётий аҳамиятга эга бўлган эмас. Кишилар табиатдан нотўғри фойдаланиб, унинг табиий манзарасини ўзгартириб, асрлар давомида яратилган биогеоценога ҳаддан ташқари салбий таъсир кўрсатилмоқда. Ўсимлик ва ҳайвон турларининг кўплаб йўқолиб кетиши ўсимлик ва ҳайвонот оламидаги генофонднинг камайишига сабаб бўлди. Наботот генофондининг сақлаб қолиниши селекция ишида янги ўсимлик навлари, ҳайвонот оламида эса янги зотлар яратишда катта аҳамият касб этади. Уларнинг инсон саломатлигини сақлашдаги аҳамияти ҳақида гапирмасак ҳам бўлади.

Шу кеча-кундузда Ўзбекистонда 4 мингдан ортиқ ўсимликлар тури мавжуд. Улардан муҳофазага муҳтожлари эса 400 га яқин. Шулардан фақат 163 тур «Қизил китоб»га киритилган, холос.

Кўриниб турибдики мавжуд «Қизил китоб» ҳозирги замон талабларига жавоб бериши қийин. Биринчидан, унда муҳофазага муҳтож ўсимликлар тўлиқ қамраб олинмаган, иккинчидан, энг зарур, шу кеча-кундузда йўқолиш арафасида турган, фақат Ўзбекистонгагина хос бўлган эндомик ўсимликлардан — Зира, Ровоч, Бодомча, Чаканда (Облипиха) каби 100 дан ортиқ ўсимликлар унга киритилмаган. Учинчидан, муҳофазага муҳтож ўсимликлар ва ҳайвонларнинг сурати берилмаган.

Ҳайвонот олами ҳам ўта муҳофазага муҳтож. Бир вақтлар табиат гўзали бўлган оҳулар, жайронлар йўқ ҳисоби. Сўнгги пайтда эса лайлаклар, қалдирғочлар бизни тарк этмоқда. Бақалар сони йил сайин камайиб бораяпти. Демак, табиат мутаносиблиги бузилмоқда. Табиат мутаносиблиги бузилган жойда, яшаш қонунига дарз кетади. Бунинг исботи сифатида Орол фожиаси бизга сабоқ бўлиши керак, деб ўйлайман...

Шу нарсани фахр билан айтиш керакки, ҳеч бир давлат ва унинг раҳбари Президентимиз Ислом Каримовчалик табиатни муҳофаза қилишга жон куйдиргани йўқ. У кишининг БМТдаги Орол муаммоси ҳақидаги нутқи, 1992 йилда «Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши, 1994 йилда ўн учинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн еттинчи сессиясида «Табиатни муҳофаза қилишдаги йўл қўйилган қонунбузарликлар учун жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида»ги Қонунларнинг қабул қилиниши фикримнинг исботидир. Бу қонунларнинг ижроси табиийки, сизу бизнинг эътиқодимиз, она-табиатга бўлган муносабатимиз, меҳру муҳаббатимизга боғлиқ.

Сессия иштирокчиларига «Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини қабул қилишда муваффақият тилаган ҳолда республикамизда, ҳар бир вилоятда муҳофазага муҳтож, йўқолиш арафасида турган, яшил дўстларимиз ва ҳайвонларни номма-ном «Қизил китоб»га киритиб, уларни муҳофаза қилиш барчамизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини улар орқали халқимизга етказишларини тилайман.

**Қудратилла ҲАЙДАРОВ,**
**профессор.**



*Биз «Фотон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида бўлдик. «Сони» фирмаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилаётган «Сони» телевизорлари сифати учун харидорлар қайғурмаса ҳам бўлади», — дейди моҳир ишчи Мамлакат Қосимова.*

**Т. КАРИМОВ сурати.**

• *ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ*

# ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ТАНЛОВИ

***Мамлакатимиз келажагининг бунёдкорлари бўлган ёшларнинг тарбиясига эътибор жуда катта. Аспирантлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг стипендияси жорий этилиши бу соҳадаги энг муҳим тадбирлардан биридир. Газетамиз мухбири М. Сафаров ана шу фахрли стипендияга бу йилги танловнинг бориши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси Олий малакали илмий ва илмий-педагог ходимлар тайёрлаш бошқармаси бошлиғи, профессор Марвар Мукадирович Тошпўлатов билан суҳбатлашди.***

***— Марвар Муқадирович, Ўзбекистон Республикаси Президентининг аспирантлар учун давлат стипендиялари тўғрисида сўзлаб берсангиз?***

— Республика ўқувчи ёшларининг қобилиятларини юзага чиқариш ва ижодий салоҳиятларини ривожлантириш, уларда мустақил Ўзбекистон фуқаросининг юқори маънавий сифатларини шакллантириш мақсадида ва бу масалаларнинг муҳимлиги инобатга олиниб, 1993 йил 5 февралида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Фармонни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 25 мартда «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур қарорда Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасига 3-ўқув йили аспирантларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияларини тайинлаш юклатилган.

Бу йил бешинчи марта илмий-тадқиқот ташкилотлари ва олий ўқув юртлари аспирантлари ўртасида, давлат фан ва техника сиёсатининг устувор йўналишларига мувофиқ равишда, шу юксак Давлат стипендияларига танлов ўтказилмоқда. Бу йўналишлар қуйидагилардан иборат: республика мустақиллиги ва бозор муносабатларига мос ижтимоий-иқтисодий сиёсатни шакллантириш; агросаноат мажмуаси; энергетика, ресурслар, саноат; соғлиқни сақлаш ва экология; ахборот технологиялари ва бошқарув.

***— Бошқарма аспирантларнинг танловда фаол иштирок этишлари учун қандай ишларни амалга оширмоқда?***

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йилги Давлат стипендияларига танлов ўтказиш ишларини тасдиқланган тадбирлар режаси асосида 1997 йил апрель ойидан бошлаб юбордик.

Танловда иштирок этиш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида хат тайёрланиб, Фанлар академияси, вазирлик ва идораларга юборилди.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида танлов ўтказилиши тўғрисида эълон берилди.

Вилоятларда иқтидорли ёшларни бундай юқори даражада танловларда иштирок этиш ва ривожланган чет эл мамлакатларида амалиётни ўташга жалб этиш мақсадида махсус семинарлар ўтказилди.

***— Даъвогар-аспирантлар қандай талабларга жавоб беришлари керак?***

— Аспирантлар барча номзодлик имтиҳонларини «яхши» ва «аъло» баҳоларга топширган; халқаро конференцияларда иштирок этган; етакчи нашрларда камида иккита илмий мақоласи чоп этилган; диссертация ишлари мавзуи фан ва техникани ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос бўлиши керак.

***— Бу йилги танловда нечта аспирант иштирок этаяпти?***

— Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва республикамизнинг 8 та вилоятидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ва олий ўқув юртлари 67 та аспирантнинг ҳужжатларини тавсия этдилар.

Иштирок этувчилар сони ва географияси йил сайин кенгайиб бормоқда, бу қобилиятли ёшларимизнинг юқори даражадаги танловларда иштирок этиб, ўз билимларини синашга интилиши тобора ошиб бораётганини кўрсатмоқда.

***— Танловнинг дастлабки босқичи қандай тартибда ўтказилди?***

— Даъвогар-аспирантларнинг ўзбек, рус ва чет тиллари, Ўзбекистон тарихи, информатика ва мутахассислик бўйича билим даражаларини аниқлаш мақсадида махсус имтиҳонлар олинди.

Имтиҳонларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация Комиссияси ФТДҚ билан келишган ҳолда ташкил этган махсус имтиҳон комиссиялари қабул қилдилар.

Шунингдек, диссертация мавзуи бўйича чоп этилган илмий ишлар экспертизадан ўтказилди. Аспирантлар бажараётган ишларининг мавзулари Устувор давлат илмий-техника дастурлари ва Давлат илмий-техника дастурлари ҳамда Фундаментал тадқиқотлар дастурлари бўйича ҳал этилаётган муаммоларни қамраб олган.

***— Ғолибларни аниқлаш олдидан яна қандай ишлар амалга оширилади?***

— Аспирантларнинг шахсий ишлари, имтиҳонларнинг натижалари ва диссертация мавзуи бўйича илмий ишлар юзасидан экспертларнинг хулосалари Фан ва техника давлат қўмитасига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Натижалар «Даъвогар-аспирантларнинг фаолиятларини баҳолаш мезонлари» жадвалига киритилади ҳамда ҳар бир йўналиш бўйича ўртача балл аниқланади.

***— Ғолиблар қачон аниқланади?***

—Уларни аниқлаш учун Танлов комиссияси тасдиқланган. Комиссия 1997 йилнинг 27 декабригача яширин овоз бериш йўли билан бешта устувор йўналиш бўйича ғолибларни аниқлайди.

***— Ғолиблар учун имтиёзлар ҳам кўзда тутилгандир?***

— Уларга «Ўзбекистон Президентининг аспирантлар учун Давлат стипендияси ғолиби» гувоҳномаси топширилади. Давлат стипендияси совриндорларга аспирантурани тугатгунларига қадар икки баравар миқдорида стипендия тўланади.Улар шунингдек, диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилганларидан кейин уч йил мобайнида ўқишни давом эттириш ва илмий амалиётни ўташ учун чет элларга юборишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар.

# ДЕМОКРАТИЯ ВА ИНСОН

(Давоми. Аввали газетанинг 4 декабрь сонида)

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг амалга оширилиши давлат мустақиллиги шарофатидир. Идеократик тоталитаризм ва авторитаризм исканжасидан чиққандан сўнг Ўзбекистон Республикаси ўз йўлини танлаб олди. Бу келажак **«ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этишдан иборат»,** деб қатъий азму қарор қилинди. **(Каримов И.А. «Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари», Т.: «Ўзбекистон», 1996 йил, 5-бет)**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг: **«Бир сўз билан айтганда, истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умумэътироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик»,** — деган изҳор ва иқрори айни ҳақиқатдир. **(Ўша асар, 6-бет)** Зеро, мамлакатимиз шиддат билан кенг миқёсли ислоҳотлар йўлига, жамиятни тубдан ўзгартириш ва янгилаш йўлига кирди.

Ижтимоий-сиёсий соҳада, энг муҳими, барқарорлик, тинчлик, миллатлараро тотувлик таъминланди. Халқнинг тарихий ва ҳаётий тажрибаларига, миллий ва маданий анъаналарга мос тушадиган демократик тамойиллар қарор топмоқда, умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги тобора мустаҳкамланмоқда. Инсон қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари мамлакатнинг Асосий қонуни ҳимоясига олинди.

Ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судлов тармоқларига ажратиш асосида миллий давлатчиликнинг янги демократик ҳуқуқий асослари барпо этилди. Конституция қабул қилинди. Халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишини таъминлашга қаратилган, қонуний мустаҳкамланган сайлов тизими шаклланди ва унинг асосида парламент сайланди. Ижроия ҳокимияти маъмурий бошқариш ва тақсимлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, асосан иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришга йўналтирилди.

Ўзбек демократиясининг яна бир ўзига хослиги халқимизнинг тарихий тажрибаларига, миллий анъаналарига ва ижтимоий тафаккурига мос тарзда фуқаролар ўз-ўзини бошқарувининг муҳим жамоатчилик идораси — маҳаллаларнинг мавқеи кўтарилди.

Ҳуқуқий ислоҳотлар — ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим асосидир. Мамлакатимиздаги ҳуқуқий ислоҳотлар барча фуқароларнинг қонун олдида ҳуқуқий тенглигини ҳамда қонуннинг ҳамма нарсадан устунлигини кафолатлашдан иборатдир.

Демократик ҳуқуқий ислоҳотларнинг пировард мақсади эса инсоннинг қадр-қимматини олий мақомга кўтарадиган фуқаролик жамиятини қуришдир.

Миллий тикланмаган, уйғонмаган халқни энг доно раҳбар ҳам эплаши қийин. Америка демократияси одамларни танлашда кўпинча адашади. Бу дарҳол кўринади. Бир неча президентлар коррупцияда айбланиб ишдан кетдилар. Бошқаларининг ҳам айблари очилиб, судлашиб юрадилар. Аммо Америка барибир фаровонлик сари ҳаракатланаверади. Бу ана шу одамларни сайлайвериб кўзи очилган Америка халқининг хизматидир. Демократияда халқ маърифатли ва эътиборли бўлиб бораверади. Бу муҳимдир.

Яна бир қизиқ томони — демократик ҳокимият даврида маъмурий тизим янада катталашади, чунки демократия авторитаризмдан қимматроқдир.

Буни оддийроқ қилиб шундай тушунтириш мумкин. Авторитаризм ҳарбий қисмга ўхшайди: қўмондоннинг (КПССнинг) айтгани айтган, қарорни якка қабул қилади, аскарлар (халқ) ўйлаб, муҳокама қилиб ўтирмайди, бажаради, холос. Раҳбар — битта. Ейдиган овқат — ҳаммага бир хил. Кийим — бир тусда. Демократияда эса қарор коллегиал (парламентда халқ сайлаган вакиллар томонидан) қабул қилинади, халқ ҳам ўйлайди, муҳокама қилади. Ҳар бир кишининг турли истакларига қулоқ тутиш керак, иродасини ҳисобга олиш лозим. Янги сиёсий институтлар жорий қилинади, жамоат ташкилотлари пайдо бўлади. Қарабсизки, анча-мунча маблағ сарф қилиш керак.

Аммо «арзон» тоталитаризм нафақат халқнинг меҳнати натижаларини тортиб олади, балки меҳнат иштиёқини сўндиради, бойликларини талон-тарож қилади, маънавиятини ҳам, иқтисодиётини ҳам, сиёсатини ҳам таназзулга олиб келади.

Демократик тузум эса халқнинг итоаткорлиги ўрнига ижодкорлигини намоён қилади, ички руҳий қувватларини уйғотади. Шунинг учун ҳокимият қанчалик қимматга тушмасин, демократик тузумлар яшнаб, халқи фаровонлашиб бораверади.

Мундоқ қарасанг, социализмда бошқариш осон ва равондай кўринади: амалдорни тайинла ва унинг ҳаракатини назорат қил! Топшириқ бер ва ижросини текшир! Ҳаётда маълум бўлдики, «ижрони текшириш»нинг фойдасидан хавфи кўп экан, чунки амалдор текширувчининг чўнтаги учун ҳам ишлай бошлар экан. Юқоридан яккаҳокимлик билан назорат қилишдан кўра эркинлик бериш, ташаббускорликни уйғотиш самаралироқ экан. Шунинг учун демократия «ижрони назорат қилиш» ўрнига қонун олдида жавобгарликни ўрнатади.

**Демократиянинг энг муборак афзаллиги унинг инсоний қадр-қимматга муносабатидир. Инсоний қадр-қимматни эъзозлашда ҳеч бир тузум демократияга тенг келолмайди.** Халқимизда: «Қорнимга йиғламайман, қадримга йиғлайман», — деган гап бор. Бу гапларнинг илдизи минг йилликлардан келади, албатта. Аммо инсоний қадр-қиммат нисбатан яқин-яқиндагина инсониятнинг қадриятлари қаторига кирди.

Инглиз инқилоби пайтларида инсоннинг яшашга, эркка ва мулкка бўлган ҳуқуқлари ҳақида бонг урдилар. Америкаликлар «янги дунё»ни очаётиб, ҳар кимнинг яшашга, эркка ва бахтга бўлган ҳуқуқи ҳақида жўшиб сўзладилар. Ўтган асрнинг ўрталарига келиб: «кўпроқ одамлар учун — кўпроқ бахт», — деган тамойил олдинга сурилди. Фақатгина асримизнинг ўрталарида, 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидагина барча одамларнинг ўз қадр-қиммати ва ҳуқуқларида тенг ва эркин бўлиб туғилишлари ҳақида сўз боради.

Ҳақиқатан ҳам одамлар иқтисодий жиҳатдан тенг бўла олмайдилар (ҳаракат қилган, ишлаган, фикрлаган кўпроқ мулкка эга бўлади), одамлар имкониятда бир-бирлари билан тенг бўлолмайдилар (ҳар кимнинг қобилияти ҳар хил, истеъдоди ҳар хил, мижози ҳар хил, хулқ-атвори ҳар хил), одамлар тарбияда ва таълимда тенг бўлолмайдилар. **Аммо инсонлар ўзлари ва бошқалар олдида қадр-қимматда тенгдирлар.**

Ёдимизга буюк бобомиз Аҳмад Яссавийнинг инсоний биродарлик ва ўзаро ҳурматга даъват қилган қаландарона сатрлари тушади:

*Дам бу дамдур, ўзга дамни дам дема,*
*Дунёдан беғам ўтарсан, ғам дема...*
*Асли наслинг қатраи оби маний,*
*Хасни кўрсанг, сен ўзингдан кам дема.*

Демократия ҳақида бир-икки нохолис гаплар юрадики, шуларни ҳам баҳоли қудрат ойдинлаштириб олсак.

Биринчи афсона: **«Мана, Россияда — уруш, ур-сур, Тожикистонда ҳам бош-кети йўқ қирғин-барот жанг бўлиб ётибди. Бунақа демократия кимга керак?»**

Айтиш керакки, Россиядаги Россия — Ичкерия уруши, Тожикистондаги фуқаролар уруши бу мамлакатлардаги демократиянинг ҳосиласи эмас, демократия йўқлигининг натижасидир. Чечен халқининг жаҳонда тан олинган миллатларни ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи бор. Бу халқ референдум ўтказиб, демократик йўл билан Россия таркибидан чиқиши мумкин эди. Бундай референдумнинг натижаси Россиянинг фойдасига бўлмаслиги аён бўлгани учун метрополия бу ишни куч билан ҳал қилмоқчи бўлди. Бу қонли уруш ўрис халқининг ҳам, чечен халқининг ҳам иродаси эмас эди. Тожикистонда ҳам айнан демократик анъаналарнинг поймол этилиши фуқаролар урушини келтириб чиқарди. Тожикистон ҳукумати ва тожик мухолифати бир-бири билан демократик тарзда сайловлар ва музокаралар орқали эмас, ёввойиларча милтиқ ва миналар орқали «гаплашгани» учун тожик халқининг олдида гуноҳкордирлар. Демократиянинг йўли — мунозара, музокара, муросадир.

Иккинчи афсона: Баъзан шундай гаплар ҳам қулоққа чалинади: **«Мана, демократия келди, энди мазза қилиб яшаймиз. Роҳат-фароғат, ҳузур-ҳаловат пайти-да».** Энди аста-секин қийинчиликлар ўз домига торта бошлагач: **«Ия, бу демократия қачон келади?!»** — деб нолиб ҳам қўйишади.

Биз тезроқ бундай жилвакор хаёллар домидан қутулишимиз керак. Ҳаёт авалгидан осонроқ эмас, қизиқроқ бўлади. Демократия инсоннинг қадр-қимматини қайтариб берди. Авваллари халқ фақат ишлаши керак эди, сиёсатни раҳбар фирқа юритарди. Халқ яратган ҳосилни ҳам давлат сотар, халқ кимга сотдинг, қанчага сотдинг, деб қизиқмас, қизиққаннинг ҳоли вой эди, давлат фуқаронинг минимал ҳаёт даражасини таъминлар, халқнинг ҳосилидан келган пулга қилган «ғамхўрлиги»ни миннат ҳам қилиб турар эди.

Демократия одамларга мулкини қайтарди, энди ўзи экади, ўзи сотади, ўзини ўзи боқади, ўзини ўзи бошқаради. Энг муҳими, беминнат ҳаёт кечиради. Масъулиятни ўзига олиш осон эмас, шунинг учун бундан кейинги ҳаёт анча мураккаблашади, фаоллашади. Аммо ҳаракат қилиш керак. Боболаримиз: «Ҳаракатда-баракат», — деб айнан демократия ҳақида айтганлар. Энди демократияни танладик, дея осмондан чалпак ёғишини кутиб ўтирмайлик. Ўйлайлик, мулоҳаза қилайлик, ҳаракатга, ишга тушайлик.

**Зеро, ўз-ўзини бошқариш — демократиянинг асоси, инсоний қадр-қиммат унинг бойлигидир.** Албатта, бу муборак йўлда биз ҳали кўп тер тўкишимиз, меҳнат қилишимиз керак. Бу йўлни, албатта, ўзимиз ўтишимиз лозим.

Тўғри, демократиянинг барча тизимлар учун умумий, узвий жиҳатлари ҳам бор. Масалан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг мутлоқ устуворлиги, ҳокимият ваколатларининг учга тақсимланиши, бирор-бир ҳокимият тармоғининг яккаҳокимлигига йўл қўймаслик, суд ҳокимиятининг ҳаққоний мустақиллиги, ўз-ўзини бошқариш, изчил умуммиллий сайловлар, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги каби тамойиллар шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда, **демократия — барча фуқаролари шак-шубҳасиз тенг бўлган, сиёсий азму қарорлар ҳамиша озчиликнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳисобга олган ва ҳимоя қилган ҳолда кўпчилик иродаси билан қабул қилинадиган ўз-ўзини бошқариш тузумидир.**

Хўш, қонунлар ва қарорлар кўпчилик иродаси билан қабул қилинса, озчиликнинг — мавжуд ҳукмрон фирқа ёки сиёсий ҳокимиятдан бошқача фикрловчиларнинг, сиёсий мухолифатнинг, камсонли ижтимоий, ирқий, диний, миллий, ҳудудий гуруҳларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қандай ҳисобга олинади ва ҳимоя қилинади?! Кўпчиликдан ваколат олган парламент озчиликнинг манфаатларини поймол қиладиган қонунларни яна кўпчилик овоз билан қабул қилмайдими?

**Биринчидан,** демократик жамият қуришини эътироф этган ва тенг ҳуқуқли мамлакат сифатида жаҳон ҳамжамияти сафига киришдан умидвор бўлган ҳар қандай давлат умумэътироф этилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олади ва ўз ички қонунчилигида (ҳатто кўпчиликнинг овози, иродаси билан ҳам) бу ҳуқуқ ва эркинликларга тажовуз қиладиган меъёрларни қабул қила олмайди. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар табиийдир, одамзоддан ажралмасдир, умуминсоний мақомга эгадир. Масалан, Ўзбекистон Конституцияси ҳам «жамийки дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни» ўзида мужассамлаштиргандир.

**Иккинчидан,** мадомики давлат ҳуқуқий демократик фуқаролик жамияти қурар экан, унда маълум фоиз овоз олиб парламентга кирган ва унда ҳал қилувчи бўлмаса-да, ўз фикрини баралла айтиш имконига эга бўлган сиёсий мухолифат, мустақил суд ҳокимияти, эркин оммавий ахборот воситалари каби тажовузларга йўл қўймайдиган тизимлар ҳам бўлади.

**Учинчидан,** ҳар қандай жамиятда озчилик ҳақ-ҳуқуқларининг доимий инкор қилиниши охир-оқибатда низоларга, фуқаролар урушига, давлат тўнтаришларига олиб келиши, давлат хавфсизлигига таҳдид солиши аёнки, бу хавфни теран тушуна оладиган давлат сиёсий ҳокимияти озчилик манфаатларини ҳам изчил ҳисобга олишга ва ҳимоя қилишга мажбурдир.

Ҳаққоний демократик давлатларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган полиция, прокуратура, адвокатура, суд, холис ҳакамлар судлари, эркин матбуот каби институтлар мавжуд.

Энг муҳими, демократик давлат фуқаролари ҳуқуқий саводли, маданиятли кишилар бўла борадиларки, одамларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ва демократик жамиятда яшаш бахти юклайдиган масъулиятларини аниқ-равшан билишлари инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигига ҳаққоний кафолатдир.

**Карим БАҲРИЕВ.**

**Яқинда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида мамлакатимиз ва хорижлик журналистлар учун матбуот конференцияси ўтказилди. Сўнгги вақтларда баъзи хорижий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистонда гиёҳвандлик моддаларни қонунсиз равишда ишлаб чиқиш ва мамлакатимиз ҳудудидан олиб ўтишга оид нотўғри хабарлар берилаётганлигига журналистлар эътибори жалб қилинди. Брифингда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори Қ. Бурхонов мустақиллик йилларида юртимизда гиёҳвандликка ва наркобизнесга қарши самарали кураш олиб борилаётганлиги, шу боис жиноятчиликнинг бу тури 1992 йилга нисбатан кескин камайганлиги, мамлакатимиз ҳудудида гиёҳванд моддалар билан қўлга тушаётганларнинг кўпчилиги чет мамлакатлар фуқаролари эканлигини алоҳида таъкидлади. Қуйида ушбу матбуот конференциясида айтиб ўтилган фактлар асосида тайёрланган мақолани эътиборингизга ҳавола этамиз.**

# МУСТАҲКАМ ТЎСИҚ

Гиёҳвандлик ва наркобизнесга қарши курашга бутун жаҳонда алоҳида эътибор берилаётган бўлсада, ҳали жиноятлар сони камайганича йўқ. Инсон танасини, онгу шуурини, наслию келажагини кемирувчи, «аср вабоси» деб ном олган наркотик моддалар бизнеси орқасидан келаётган мўмай даромад жиноятчи унсурлар ақлини ўғирлаб, кўзини кўр қилиб қўймоқда. Ҳа, айнан пулга ҳирс қўйиш, очкўзлик бу турдаги жиноятнинг калитидир. БМТ ҳисоботига қараганда, фақат 1996-1997 йиллар ичида Ғарб давлатларига умумий миқдори 75 миллиард АҚШ долларига тенг 240 тонна героин етказиб берилган. 75 миллиард доллар... бу рақам ортида неча минглаб барбод бўлган тақдирлар, ҳалокатли тўқнашувлар, қон тўкишлару қирғинбаротлар мавжудки — инсон фожиасидан ҳаром пул топаётган наркобизнес оламини муқаррар жазо ва умумий нафрат ҳам ҳозирча чўчитмаяпти.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ гиёҳванд моддаларни ноқонуний етиштириш ва мамлакатимиз ҳудудидан олиб ўтишга қарши изчил кураш олиб борилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеяси 48-сессияси минбаридан гиёҳвандликнинг инсоният келажагига солаётган хавфи ва наркобизнес билан боғлиқ жиноятлар сони ўсиб бораётганлигидан ташвиш билдириб, жаҳон жамоатчилигини бундай жиноятчиликка қарши самарали курашишга даъват этган эди.

Ҳозир мамлакатимиз гиёҳвандликка қарши кураш бўйича МДҲ давлатларининг барчаси, шунингдек, Германия, Туркия, Исроил билан шартнома имзолади. Айни шу масала юзасидан АҚШ, Миср, Латвия ва бир қатор Европа мамлакатлари билан яқин ҳамкорлик қилинмоқда.

Ўзбекистонда гиёҳванд моддаларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси тузилган. Ҳар йили гиёҳвандликка қарши кураш учун катта маблағ ажратилмоқда. Ҳукуматимиз ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қатъий саъй-ҳаракатлари туфайли айни шу борадаги жиноятлар сони кескин камайди. Масалан 1992 йилда Ўзбекистонда ҳар 10 минг аҳоли бошига ҳисоблаганда гиёҳвандлик билан боғлиқ 43,6 та жиноят содир этилган бўлса, 1996 йилга келиб бу кўрсаткич 28,7 ни ташкил этди. Россияда эса ушбу кўрсаткич 1992 йилда 185,7, 1996 йилда 164 ни ташкил этган. Ён қўшнимиз Қирғизистонда эса ушбу кўрсаткич 1992 йилда 97,8 бўлса, 1996 йилга келиб 90,1 ни ташкил этди. Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги томонидан тақдим этилган ушбу маълумотлар Қозоғистон ва Туркманистонда ҳам худди Қирғизистондагидек гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар сони жуда оз миқдорда камайганлигини кўрсатиб турибди. Шу ўринда яна бир рақамга эътибор қилиш жоиздир: 1992-1995 йилларда мамлакатимизда 200 дан 300 гектаргача гиёҳванд моддалар экилган майдонлар аниқланиб йўқ қилинган бўлса, ўтган йиллар мобайнида гиёҳванд моддаларни ноқонуний етиштиришга қарши олиб борилган тинимсиз кураш натижасида 1997 йилда гиёҳванд ўсимликлари экилган 4,3 гектар майдон аниқланди.

Аммо Россиянинг баъзи оммавий ахборот воситалари ҳақиқий аҳволни бузиб кўрсатишга уринишмоқда. Хусусан Россия федерал чегара хизмати директорининг ўринбосари, генерал-полковник Алексей Кожевников «Интерфакс» ахборот агентлигига берган баёнотида Афғонистон чегара туманларида 2 тонна героин, 1500 тонна наша хомашёси тўпланганлигини маълум қилиб тожик-афғон чегараси қўшимча равишда мустаҳкамланганлигини айтди. Аммо фактлар Афғонистондан Тожикистоннинг Тоғли Бадахшон вилоятига ҳамон катта миқдорда гиёҳванд моддалар кириб келаётганлигини кўрсатмоқда. БМТ маълумотларига кўра, 1995-96 йилларда жаҳон миқёсидаги наркотик моддаларнинг 39 фоизи Афғонистонда етиштирилган. Энг ўткир героин тайёрлашга ихтисослашган лабораториялар ҳам худди шу мамлакатда жойлашган.

Айни пайтда Афғонистонда 100 га яқин героин ишлаб чиқариш бўйича тозаловчи заводлар ишламоқда. Кучли таъсир этувчи героин тайёрлаш учун уксус ангидрид моддаси зарур. Бу технологик хомашё Афғонистонда тайёрланмайди. Афғонистонга бу модда бошқа давлатлардан олиб келинади. Яна бир мисолга мурожаат қилайлик: шу йил ноябрь ойида Жанубий Кореядан Афғонистонга етказиб берилаётган 20 тонналик контейнер Термизда ушланди. Ҳужжатлар бўйича бу юк ошхона асбоблари ва маргарин бўлиши керак эди. Юкни Находка порти қабул қилиб олган ва жўнатган. Контейнер Россия ҳудудидан бемалол ўтиб келган. Юк текшириб кўрилганда контейнерда уксус ангидрид борлиги маълум бўлди. Минглаб одамлар умрига, соғлиғига зомин бўлувчи бу заҳри қотил ўзбекистонлик ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

Кейинги олти йил ичида мамлакатимиз ҳуқуқ посбонлари 38 тонна гиёҳванд моддаларни қўлга тушириб йўқ қилишди. Бунинг асосий қисми хорижлик, жумладан Тожикистон, Афғонистон, Қирғизистон ва Россия фуқароларига тегишли бўлиб, улар мамлакатимиз ҳудудидан олиб ўтишга уринган пайтда қўлга олинган. 1997 йилнинг ўн бир ойида 195 нафар Тожикистон фуқароси 600 кг. гиёҳванд моддалар билан қўлга олинган. Афғонистондан Европага йўл олган автомашина мамлакатимиз ҳудудида тўхтатилиб текширилганда ундан 1190 килограмм героин топилди. Бунча кўп миқдордаги героинни қўлга тушириш жаҳон амалиётида ниҳоятда камёб ҳодиса ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳукумати гиёҳвандликка қарши кураш ва уни йўқ қилиш бўйича халқаро мажбуриятларни оғишмай амалга оширмоқда. Ўтган йиллар мобайнида Афғонистондан Ғарб давлатларига олиб кетилаётган тонналаб наркотик моддалари қўлга олиниб, йўқ қилиб ташланди. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ҳудуди наркобизнес жиноятчи гуруҳлари учун ўтиб бўлмас тўсиқ, бу борада қатъият билан кураш олиб бораётганларга эса ишончли ва мустаҳкам қўрғондир.

**Жалолиддин САФОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Зарра ташвиш, дардинг йўқ,
Биллурдайин гардинг йўқ,
Нигоҳларинг ёниқ чўғ,
Болалигим, жон болалигим!

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ**
**сурат-лавҳаси.**

## ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

Косон туманидаги Беруний номли жамоа хўжалиги меҳнат аҳли қурувчилардан ажойиб совға олдилар. Бу ерда қишлоқ врачлик шифоатхонаси қуриб битказилди. Шифохона биносини «Вилжамхўжаликқурилиш» трестининг 231-кўчма механизациялашган жамланмаси бунёд этишди. Жами 11,2 миллион сўмлик тиклаш ишлари амалга ошди.

Бу ерда беморларни даволаш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш борасида барча қулайликлар яратилди. Беморлар кундузи ётиб даволанишлари ҳам мумкин.

**П. ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Европа андозаларидаги лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда ягона қўшма корхона*

*"Лок колор синтез"*

*таклиф қилади*

**УНИВЕРСАЛ ЭМАЛЛАР,**

***деворлар ва шифтлар учун***

**ФАСАД БЎЁҚЛАРИ**

**КЕНГ ЁЙИЛГАН РАНГЛИ ГАММА!**

**Тўлов тури — олдиндан.**

**Кузги сотув 20% арзонлаштирилган.**

**1998 йилга шартнома тузиш 1 октябрдан бошланган.**

СОТИБ ОЛАМИЗ: Сиккатив, флотореагент,
нурга чидамли яшил пигмент.
Олий маълумотли химик лак-бўёқчилар КЕРАК.

**Манзилимиз: Тошкент, Фарғона йўли, 35.**
**Тел.: (371) 191-44-46, 191-47-41.**
**Факс: (371) 191-74-63.**

111

• *АКС САДО*

## РУҲ ВА ДИЛГА ЯҚИН СЎЗ

«Халқ сўзи» газетасининг шу йил 19 ноябрь сонида «Обуна-98» рукни остида «Элга юзма-юз чиқиш осонмас» сарлавҳали қизиқарли мақола босилган эди. Мақолада одамнинг дилида етилиб турган фикр-мулоҳазалар битилган. Мақола муаллифи обуна ҳақида ўқувчилар билан қўрқмасдан юзма-юз чиқиб тўғри қилган. Матбуотнинг жамиятдаги ўрни чиндан ҳам ўқувчилар сони, оммавийлиги билан белгиланади. Мен «Халқ сўзи» газетасининг ҳар бир сонини канда қилмай ўқиб бораман, ўқимаган куним хумори тутади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, газета одамларни аллақачон ўзига қаратиб олган. Муаллиф «ичимизда қатъият, шижоат етилмаган экан, савиямиз қаричимиздан калта экан, яхшиси ўқувчилар билан юзма-юз келиш ҳақида гапирмасак ҳам бўлади» деб ўта камтарлик қилибдилар. Аслини айтганда севимли газетамизда шижоат ҳам, қатъият ҳам бор. Буни газетанинг ҳаёт билан доимо ҳамнафаслиги, саҳифаларида бугуннинг руҳи уфуриб турганлиги, халқ манфаати йўлида қабул қилинаётган Президентимиз фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари оммага етказилаётганлиги кўрсатиб турибди. Шу билан бирга, газета саҳифаларида танқидий таҳлил ва мушоҳада фаолроқ ўрин эгаллашини истар эдик. Мана, ҳозир айни уйлар иситиладиган пайт. Кўпчилик ҳокимликлар, «ЖЭУ» раҳбарлари худди сартарошлар мижозини кўргандан сўнг устарани қайраганларидек, совуқ кунлар тушгандан сўнг уй остидаги, йўллардаги қувурларни тузатишни бошлайдилар. Натижада вақтида иситилиши лозим бўлган уйлар иситилмайди. Ахир уйларда беморлар, ёш болалар, қариялар яшайди. Уларнинг додига ким етади? Ҳужжатларга кўра, Тошкент шаҳридаги уйларнинг ҳаммаси иссиқлик билан таъминлаб бўлинди. Жумладан, Юнусобод тумани 6-«ЖЭУ» раҳбарлари ҳам шундай деб юборган бўлишса, ажабмас. Амалда эса шу 6-«ЖЭУ»га қарашли 34—35 ва бошқа қатор уйлар ҳали иситилмади. Муаллиф жуда тўғри таъкидлаганидек, иш билмайдиган, иш ёқмайдиган, фақат ўзини ўйлайдиган тўралар жойларини ишчан, фидойи, халқпарвар мутахассис раҳбарларга бўшатиб берсалар, балки шундай бўлмасмиди. Э, ёзаверсанг, гап кўп.

**Анвар ШОКИРОВ.**

**TEXACO**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ЮЛДУЗ**

**ЖАҲОН ДАРАЖАСИДАГИ АВТОМОБИЛЬ МОЙЛАРИ**

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
*Парламент 133-57-34;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;*
*Иқтисодиёт 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги 136-37-85*
*Маънавият 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт 132-11-15;*
*Котибият 133-10-28;*
*Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0823, 33.805 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
**Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

**Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.**
**Навбатчи — Ф. Санаев.**
**Мусаҳҳиҳ — Ф. Усмонов.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 22.15** 1 2 3 4 5 6